

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ РУСЛАН РАВШАНОВИЧ

**ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ
ИНФЕКЦИЯЛАР ОВИР ШАКЛЛАРИНИНГ КЛИНИК
ХУСУСИЯТЛАРИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ, ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Руслан Равшанович

Грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар
оғир шаклларининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари,
даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш.....3

Рахимов Руслан Равшанович

Клинические особенности, факторы риска тяжелых
форм гриппа и других острых респираторных вирусных
инфекций, усовершенствование терапии и профилактики25

Rakhimov Ruslan Ravshanovich

Clinical features, risk factors for severe forms of influenza
and other acute respiratory viral infections, improved
therapy and prevention.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works46

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ РУСЛАН РАВШАНОВИЧ

ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ
ИНФЕКЦИЯЛАР ОВИР ШАКЛЛАРИНИНГ КЛИНИК
ХУСУСИЯТЛАРИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ, ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.10 – Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1PhD/Tib61 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Вирусология илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдукадирова Муаззам Алиевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ибадова Гульнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худайкулова Гульнара Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда грипп ва ўткир респиратор инфекция (ЎРИ) касалликлари тарқалишининг эпидемик кучайиши вақтида касалликнинг оғир ва асоратли шакллариغا чалинган беморлар сонининг аҳамиятли ошиши қайд этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг янги ҳисоб-китобларига кўра «... дунёда ҳар йили грипп ва унинг асоратлари билан боғлиқ бўлган тахминан 290000 дан 650000 гача ўлим ҳолати қайд этилади...»¹. Бу рақамлар гриппнинг оғир даражаси ҳамда унинг бутун жаҳон учун аҳамиятли даражадаги ижтимоий ва иқтисодий харажатларга сабаб бўлишидан далолат беради. Бу мавсумий эпидемиялар учун гриппдан профилактика қилишнинг муҳимлиги ва бўлажак пандемияларга тайёргарликни таъминлаш зарурлигини асослайди.

Жаҳонда грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) оғир шаклларининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ташхислашнинг замонавий молекуляр-биологик усуллар ёрдамида вирусли оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг (ОЎРИ) вирусли этиологик структураси ва тарқалганлигини, турли ёш гуруҳларидаги беморлар ва ҳомиладор аёлларда касалликнинг клиник тавсифи ва асосий хавф омилларини асослашдан иборат. Одам иммунитет танқислиги (ОИТ) билан инфицирланган шахсларда гриппни даволаш учун нейроминидаза ингибиторининг клиник самарадорлиги ҳамда вирус билан зарарланган шахсларда гриппга қарши суббирлик вакцина қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлик мезонини ишлаб чиқишдан иборат. Оғир ўткир респиратор инфекциялар билан зарарланиш даражасини камайтириш бўйича чора-тадбирларни оптималлаштириш тартибини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар юқумли вирусли грипп ва унинг асоратини камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш

¹Juliano AD, Roguski KM, Chang NH et al. Estimates of global seasonal influenza-associated respiratory mortality: a modelling study. //J. Lancet. 2017.- V. №17. - P. 1285-1300.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3729-сон «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг - VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гриппнинг сўнги пандемиясидан сўнг гриппнинг оғир шакллари ва ЎРВИ муаммоси бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди ва хорижий адабиётларда кенг ёритила бошлади (С.Н. Авдеев, 2010; К.В. Жданов, 2010; D. Butler et al, 2014; В. J. Cowling et al, 2015). Бугунги кунда грипп ва ЎРВИнинг оғир кечишини ўрганиш, касаллик патогенези, диагностикаси ва уни специфик даволаш бўйича кўплаб муаммолар ечимини топишга йўналтирилган кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан мавжуд адабиётлардаги маълумотлар бир-бирига қарама-қаршилигича қолмоқда. Бу касалликнинг эрта ташхислаш, ўзига хос терапиясини танлаш, аҳолининг турли контингентда касалликнинг олдини олиш муаммолари билан боғлиқ (В. В. Малеев, 2012; J.P. Stahl et al, 2014). Гриппнинг охирги пандемияси одам организми ҳужайраларидаги вируслар репродукциясига тўғридан-тўғри хавфсиз ва самарали таъсир кўрсатувчи этиотроп кимёвий препаратларни қидириб топиш муаммосини кескин кўтарди. Айти пайтда бундай препаратларни клиник қабул қилиш натижалари замонавий тиббиётни тўлиқ қониқтирмайди (Гендон Ю. З., 2016; E. Marchiori et al, 2014; A. Khoshdel et al, 2015; T. W. Caitlyn, 2017). Гриппни даволаш учун ЖССТ томонидан тавсия этилган нейраминидазалар ингибиторлари – озельтавир ва занамивирларга ўсиб бораётган резистентлик (Е.И. Бурцева, 2011; A. Khoshdel et al, 2015), айрим кимёвий препаратларни болалар ва ҳомиладорларда қўллашга кўрсатмаларнинг чегараланиши этиотроп препаратлар самарадорлиги ва

хавфсизлиги келгусида баҳоланишини талаб этади (В.В. Малеев, 2011; M.L. Houben et al, 2015). Вирус типи ва подтипи, беморнинг ёши, касалликнинг асоратланган шакли прогностик мезонларини аниқлаш ҳамда вирусга қарши препаратлар клиник самарадорлигини белгилашга боғлиқ ҳолда беморларда вирус этиологияли оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг клиник кечишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда гриппнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигига қаратилган қатор ишлар бажарилган (Д.А. Асадов, 2010; Л.Н. Туйчиев, 2015), бироқ, грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар оғир шакллариининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари, даволаш ва профилактикасини такомиллаштирилмаган.

Оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг клиник қонуниятлари ва унинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган, уларнинг профилактикаси ва терапиясига умумий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Шу муносабат билан мамлакатимизда оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг этиологик структураси ва клиник-эпидемиологик характеристикасини аниқлаш илмий ва амалий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот институининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий текшириш институтининг АДСС 21.1 «ОИТ инфекцияли беморларда вирусли юклама даражаси, касаллик зўрайиш кўрсаткичлари ва самарали терапияга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш» (2012-2014 йй) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўткир респиратор вирус инфекциялари ва гриппнинг оғир шакллари ривожланишининг хавф омиллари, клиник кечиши, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташхислашнинг замонавий молекуляр-биологик методлари ёрдамида вирусли оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг этиологик структураси ва тарқалганлигини аниқлаш;

турли ёш гуруҳларидаги беморлар ва ҳомиладор аёлларда оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг клиник характеристикаси ва асосий хавф омилларини баҳолаш;

ОИТ билан инфицирланган шахсларда гриппни даволаш учун нейроминидаза ингибиторининг клиник самарадорлигини баҳолаш;

ОИТ билан инфицирланган шахсларда гриппга қарши суббирлик вакцина қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

оғир ўткир респиратор инфекциялар даражасини камайтириш бўйича чора-тадбирларни оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009-2017 йилларда Вирусология илмий текшириш институтининг клиникасида даволанган ўткир респиратор

инфекцияли болалар, катта ёшлилар, ҳомиладор аёллар, ОИТ билан инфицирланган шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўткир респиратор инфекцияли беморлардан олинган клиник намуналар, бурун-ҳалқум суртмалари, қон, балғам каби материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий клиник, биокимёвий, молекуляр-биологик, инструментал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг кенг тарқалганлик даражаси ва тизимли органларни оғир зарарланиши асосланган; грипп ва респиратор-синцитиал инфекцияларининг оғир ўткир респиратор инфекциялар шаклланишда респиратор вируслар этиологик таркибининг асосий ўрни исботланган;

оғир ўткир респиратор инфекциялари ва уларнинг асоратлари шаклланишида ўзига хос бўлган оғир интоксикацион клиник синдром хослиги асосланган;

0-2 ёшдаги болалар, III триместрдаги ҳомиладор аёллар ва одам иммунитет танқислиги синдроми мавжуд шахсларда ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир кечиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оғир ўткир респиратор инфекцияларининг тарқалишининг юқори даражаси ва тиббий-ижтимоий оқибатлари уларни алоҳида нозологик гуруҳга ажратиш зарурлиги очиб берилган;

вирусли этиология гриппда оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг устунлигига кўра асоратлар ривожланиш хавфининг олдини олиш учун касалликнинг эрта босқичида этиотроп терапияни кенг қўллаш тартиби баҳоланган;

оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг асоратлари ривожланишининг олдини олиш мақсадида реанимация бўлимига ўтказиш: учун болаларда–нафас қисиши, марказий цианоз, SO_2 нинг 95% дан камроққа пасайиши; катталарда – нафас қисиш, кўкрак қафаси ортида оғрик, SO_2 нинг 95% дан камроққа пасайиши каби мезонлардан фойдаланган ҳолда ўз вақтида госпитализацияни қилишнинг муҳимлиги исботланган;

оғир ўткир респиратор инфекцияларнинг билан касалланиш ва унинг асоратларини камайтириш мақсадида мавсум олди даврида юқори хавф гуруҳидаги шахслар (юррак-қон томир тизими, ўпка ёки буйракда сурункали касалликлари бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар, ортирилган иммун танқислик вируси билан инфицирланган шахсларда мақсадли вакцинацияни амалга ошириш зарурлиги асосланган;

амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида ортирилган иммун танқислик вируси билан инфицирланган шахслар гуруҳида комплекс терапия таркибига нейроминидаза ингибиторларини қўшиш тавсия этилган;

ОИТ билан инфицирланган шахсларда суббирлик дори воситалари

билан гриппга қарши эмлашнинг хавфсизлиги ва юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик усуллар асосида грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар оғир шакллариининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда илк марта оғир кечувчи оғир ўткир респиратор инфекциясининг ва унинг асоратлари клиник хусусиятлари ўрганилганлиги, тиббий-ижтимоий аҳамияти кўрсатилганлиги, ОЎРИ шаклланишида грипп билан бир қаторда респиратор-синициал вирусли инфекциянинг етакчи ўрин белгиланганлиги, ўткир респиратор инфекцияли беморларда таҳликали ҳолатнинг прогностик шаклланиши аниқланганлиги, яққол иммунтанқислиги бўлган шахсларда гриппга қарши суббирлик препаратларни хавфсиз қўллаш имконияти белгиланганлиги, ёндош тиббий мутахассисликларда касаллик муаммосининг янада чуқурроқ илмий тадқиқ этишда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оғир ўткир респиратор инфекциясининг кенг қамровлиги ҳамда унинг тарқалишини камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиш, гриппга қарши этиотроп терапияни татбиқ этиш мақсадида ўткир респиратор инфекцияли беморларни даволаш стандартлари ва баённомаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда таҳликали ҳолатдаги беморларни эрта дифференциациялаш мезонлари ишлаб чиқиш, касалликнинг юқори хавф омиллари ва беморлар гуруҳи, касаллик асоратлари тарқалиш даражасини камайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, яққол иммунтанқислиги бўлган шахсларда гриппнинг этиотроп терапияси ва ўзига хос профилактикасини амалга ошириш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар оғир шакллариининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Вирусли этиологиянинг оғир ўткир респиратор инфекциялари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 8н-д/230-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оғир ўткир респиратор инфекциялари муаммоси миқёсини баҳолаш, унинг этиологик таркиби ва асосий хавф омилларини белгилаш, даволаш ва олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш имконини берган;

грипп ва бошқа оғир ўткир респиратор вирусли инфекциялар оғир шакллариининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 1-сон юқумли касалликлар ҳамда 1-сон шаҳар болалар клиник шифохоналари клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/251-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинишини гриппга қарши специфик профилактикани амалга ошириш ва касалликни самарали давосининг қўлланилиши грипп билан касалланишлар даражасини камайтириш, касаллик асоратларини қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 21 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган..

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 15 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар оғир шакллариининг клиник хусусиятлари, хавф омиллари, олдини олиш ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича амалга оширилган халқаро илмий-тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган ҳамда бешта кичик боблардан ташкил топган. ЎРВИнинг замонавий этиологияси, клиник хусусиятлари, гриппнинг этиотроп терапияси ва бошқалар баён этилган. Турли ёшдаги беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёллар ва ОИТ билан инфицирланган шахсларда гриппнинг клиник кечиши бўйича муаммолар ёритилган. Грипп ва бошқа ЎРВИ касалликларининг этиотроп терапиясига замонавий ёндашувлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинишини таъминловчи тадқиқот объекти, тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлар тавсифи, шунингдек, тадқиқот давомида олинган материалларни баҳолашга хизмат қилган статистик усуллар баён этилган.

Тадқиқотлар ССВ Вирусология илмий-текшириш институти ва Тошкент шаҳридаги даволаш муассасаларида 2009 йилнинг мартдан 2017 йилнинг мартгача бўлган грипп ва бошқа ЎРИ касалликлари билан касалланиш энг кўп кузатиладиган мавсумий даврларда амалга оширилди.

Ҳомиладор аёллар орасида грипп оғир кечишининг клиник хусусиятларини ўрганиш учун ЎРИ билан оғриган турли гистация муддатларидаги 57 нафар ҳомиладор аёл грипп вируси мавжудлигига фақат ПЗР усулида кўриқдан ўтказилди.

ОИТ билан инфицирланган шахсларда гриппга қарши эмлашнинг хавфсизлиги ва профилактик самарадорлигини ўрганиш учун 2013–2014 йилларда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси рухсати (Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг 2013 йил 22 ноябрдаги 02/1237-сон хати) билан 2 та поликлиникада 28 нафар гриппга қарши эмлашга қарши кўрсатмаси бўлмаган ОИТ билан инфицирланган шахслар танлаб олинди ва улар асосий гуруҳни ташкил этди. Назорат гуруҳини эса 28 нафар ОИТ билан инфицирланмаган шахслар ташкил этди.

Оғир респиратор инфекциялар хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш учун беморлар тасодифий аниқлаш стандартига мувофиқ 2 гуруҳга ажратилди: ўткир респиратор инфекция кечиши (ЎРИК)нинг оғир шакли бўлган беморлар асосий гуруҳга киритилди.

Нейроминидаза ингибатори гуруҳидаги гриппга қарши препаратнинг клиник самарадорлигини баҳолаш учун 2012–2013 йилги мавсумда 51 нафар ОИТ билан инфицирланган ҳамда гриппнинг А ва В турларига чалинганлиги лаборатор тасдиқланган танлаб олинди. Асосий гуруҳни 25 нафар базис терапия ва қўшимча равишда Занамивир (Реленза) қабул қилган беморлар ташкил этди. Назорат гуруҳига фақат базис терапия қабул қилган 26 нафар шахс киритилди.

Диссертациянинг «Ўткир оғир респиратор синдромнинг тарқалганлиги ва вирусли этиологияси» деб номланган учинчи бобида ЎРИКнинг вирусологик этиологияси ва тарқалганлиги бўйича олинган тадқиқот натижалар тақдим этилган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, эрта мавсумда ЎРИК билан касалланиш даражаси $17,9 \pm 0,9$ дан $110,7 \pm 4,6$ гача ўзгариб турди ($p < 0,001$). Бу грипп ва бошқа ЎРВИ вирусларининг циркуляцияланувчи патогенлиги даражаси билан ҳам, ЎРИК ҳолатларини қайд этишнинг сифати билан ҳам бирдек боғлиқ. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олинган натижаларга кўра касалликнинг эрта босқичларида гриппга қарши терапия эмасда ЎРИКнинг солиштирма оғирлиги аҳамиятли юқори бўлди. ЎРИК билан

касалланишнинг энг ююқори даражаси бутун кузатув даврида энг кичик ёш гуруҳи (0–2 ёш)даги болаларда қайд этилди (ўртача кўрсаткичдан 6,5–13,3 марта юқори).

Юқиш ҳавфининг асосий ёш контингенти, кичик ёшдаги болалар бўлди. 2 ой-2 ёшдаги инфицирлаган болалар даражаси ($46,1 \pm 3,2\%$), 3-6 ёшли болаларда ($17,2 \pm 3,4\%$) ишончли даражада юқори ($p < 0,001$) ва 7-79 ёшдаги янада катта ёш гуруҳига нисбатан ҳам юқори бўлди ($6,5 \pm 1,7\%$). Кичик ёшдаги болаларда (0-6 ёш) ЎРВИни шаклланиш ҳавфи 3-6 ёшдаги болаларга нисбатан 3,0 марта юқори бўлди. 0-6 ёшдаги болалар гуруҳида ЎРИКни шаклланиш ҳавфи 7-14 ёш гуруҳидаги болаларга нисбатан 3,3 марта юқори ва ундан катта ёш гуруҳидаги болалар ва катталарда 3,9 марта юқори бўлди.

ЎРИК этиологик тузилишининг вирусли таркибий қисмини ўрганиш 2012–2013 йилдан 2016–2017 йилгача бўлган мавсумий даврда Тошкент шаҳри дозор назорати доирасида амалга оширилди.


Грипп вирусларининг ўзаро нисбати турли мавсумларда турлича бўлиб ўзгариб турди. Бутун кузатув даврида (6 та мавсум) ҳар иккала гуруҳдаги кўрикдан ўтказилган беморларда мавсумий гриппнинг барча типлари подтиплари аниқланди (A/H1N1pdm09, A/H3N2 ва B). ЎРИК бўлган беморларда кўпинча гриппнинг B ($19,5 \pm 2,3\%$) ($p < 0,01$) ва A/H3N2 ($17,7 \pm 2,2\%$) ($p < 0,01$) типлари кузатилди. ЎРИК бўлган беморларда гриппнинг A/H1N1pdm09 типи бошқа типларга нисбатан камроқ аниқланди ($4,4 \pm 1,2\%$) ($p < 0,01$). Умуман олганда, ЎРИК бўлган беморларда грипп вируслари 1,36 марта кўпроқ аниқланди ($p < 0,01$).

Грипп ва ЎОРИ билан касалланиш даражасини тарқалиши ўртасида тўғри кучли корреляцион алоқа ўрнатилди ($r = 0,92$). Бундан келиб чиқадики, грипп билан касалланиш даражасини ортиши ЎРИК билан касалланишни ўсишига тўғри таъсир кўрсатади, бу популяцияда ЎРИК билан касалланишни шаклланишида гриппнинг етакчи ўрнини исботлайди.

ОЎРИ шаклланишнинг таҳлика шансини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, грипп билан хасталанган беморларда ЎОРИ ҳавф ривожланиш даражаси $1,62 \pm 0,14$ (95%ДИ) мартага бошқа ЎРИ беморлага нисбатан ортиқдир.

ОЎРИ нинг баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, йилнинг мавсумларига қараб вирусларнинг нисбати ўзгаради. Умуман олганда, бутун кузатув даврида ЎРИК бўлган беморларда ЎРВИ 1,42 марта кўпроқ аниқланди ($p < 0,01$) (1-расм).

ЎРИК бўлган беморларда респиратор-синициал вирус ишончли кўп ($25,3 \pm 3,1\%$) аниқланди ($p < 0,001$). Бошқа респиратор вируслар аҳамиятли камроқ қайд этилди: риновирус – $6,2 \pm 1,7\%$; метапневмовирус – $5,7 \pm 2,1\%$; аденовирус – $5,2 \pm 1,6\%$; парагрипп вирус – $1,5 \pm 0,9\%$. Респиратор-синициал вируснинг устунлиги ЎРИК шаклланишида унинг фаол ролдан далолат беради. ОЎРИ шаклланишида респиратор-синициал вирусдан ташқари риновирус ($p < 0,5$), метапневмовирус ($p < 0,1$) ва аденовирус ($p < 0,1$) ҳам иштирок этади.



1-расм. ОЎРИнинг Тошкент шаҳрида ёш гуруҳлари бўйича тарқалганлиги.

ЎРИ бўлган 563 нафар лаборатор кўриқдан ўтказилганда уларнинг 265 нафари ($47,0 \pm 2,1\%$)да ЎРВИ касаллик кўзғатувчиси бўлиб ҳисобланган. ЎРВИ бўлган барча ҳолатлар орасида РС-вирус 145 нафар ($25,8 \pm 1,8\%$) беморда идентификацияланди.

Кичик ёшдаги болалар касалликни юқтириш хавфининг асосий ёш контингенти бўлишди. 2 ойликдан 2 ёшгача бўлган болаларда ($46,1 \pm 3,2\%$) инфирланганлик даражаси 3 ёшдан 6 ёшгача ($17,2 \pm 3,4\%$) ва ундан катта – 7–79р ёш ($6,5 \pm 1,7\%$) гуруҳларига нисбатан ишончли юқорилиги қайд этилди ($p < 0,001$) (4-расм).

ОЎРИ бўлган беморлар орасидан 24 нафари балғам намуналарида бактериал патоген флора мавжудлигига текширилди. Касалланишнинг этиологик структураси таҳлили ОЎРИ бўлган беморлар касаллиги этиологиясида ҳам ($84,9 \pm 2,6\%$), ОЎРИ эмасда ҳам ($61,2 \pm 2,0\%$) вирусларнинг аҳамиятли устунлик қилишини кўрсатди. Шу билан бирга ОЎРИ бўлган беморларда грипп вирусларига нисбатан ҳам, ЎРВИ йиғиндисида нисбатан ҳам вирус таркиби ишончли юқори бўлди ($p < 0,001$).

Шундай қилиб, ОЎРИ этиологик таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, касалликнинг бошланғич босқичида респиратор вируслар ОЎРИ шаклланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Уларнинг орасида грипп вируси, респиратор-синцитиал вирус ва метапневмовирус етакчи роль ўйнайди. Буни касаллик бошланишида ўткир респиратор инфекцияли беморлар учун этотроп терапия препаратларини танлашда ҳисобга олиш зарур.

Диссертациянинг «**Ўткир респиратор вирусли инфекциялар оғир шаклланининг клиник хусусиятлари ва прогностик хавф омиллари**» деб номланган тўртинчи бобида болалар, катталар ва ҳомиладор аёлларда

ОЎРИнинг клиник характеристикаси бўйича олинган тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Ҳар иккалар гуруҳдаги болаларда инфекциян жараён интоксикация синдроми ва респиратор кўринишлар билан ўткир бошланди (1-жадвал).

1-жадвал

«ОЎРИ» ва «ОЎРИ эмас» болаларда касалликнинг асосий

клиник тавсифи


Белгилар	«ОЎРИ» n=117		«ОЎРИ эмас» n=121		P
	Абс.	%	Абс.	%	
Гипертермия- 39С ⁰ юқори иситма	117	0,0±0,0	0	0,0±0,0	<0,001
Хушдан кетиш синдроми	11	9,4±2,7	2	1,7±1,2	<0,01
Йўтал	117	100±0,0	87	71,9±4,1	<0,001
Бурун канотлари шиширади	106	90,5±2,7	0	0,0±0,0	<0,001
Хансираш	117	100±0,0	0	0,0±0,0	<0,001
Цианоз (марказий)	117	100±0,0	35	0,0±0,0	<0,001

Ҳар иккалар гуруҳдаги болаларда ҳам дастлаб турли яққоллик даражасидаги тана ҳароратининг ошиши билан интоксикация намоён бўлди ($p>0,5$). Касалликнинг барча босқичлари даврида субфебрил истима (37–37,9° С) фақат таққослаш гуруҳида кузатилди. Тана ҳароратининг 38–38,9° С атрофида бўлиши ҳар иккала гуруҳ беморларида қайд этилди, бироқ асосий гуруҳдаги болаларда ушбу ҳолат 1,8 марта кўпроқ учради ($p<0,001$). Пиретик истима ҳолати (39,0–40,9° С) фақат касалликнинг оғир шакли бўлган болаларда кузатилди ($p<0,001$). Марказий цианоз касалликнинг оғир шакли бўлган болаларда қайд этилди ($p<0,001$). Касалликнинг оғир шакли бўлган болаларда эрта босқичларда респиратор трактнинг шикастланиши нафас олиш жараёнида пайдо бўлувчи кўкрак қафаси соҳасидаги оғриқдан шикоятлар билан намоён бўлди ($p<0,001$).

Санаб ўтилганлар билан бир қаторда ОЎРИ гуруҳларидаги барча беморларда тинч ҳолатда нафас сиқилиши кузатилди ($p<0,001$). Шунингдек, ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида кўкрак қафаси куйи қисми тортилиши кузатилди ($p<0,001$). Касалликнинг оғир шакли бўлган болаларда нафас олиш актининг бузилиши бурун канотларининг шишиши билан бирга кечди ($p<0,001$). Ҳар иккала гуруҳ беморлари қабул қилинганда тахикардия қайд этилди, бироқ касалликнинг оғир шакли бўлган беморларда ушбу симптом ОЎРИ эмас гуруҳларидаги беморларга таққосланганда 49,7% кўпроқ учради ($p<0,001$). Пиретик истима фонида касалликнинг оғир кечиши бўлган

болаларда касалликнинг 2–3 суткасида тўсатдан тиришишлар бўлди ($p>0,5$). Текширилаётган иккала гуруҳдаги болалардан фақатгина касалликнинг оғир шакли бўлган болалардагина геморрагик синдром учради ($p=0,5$).


Ҳар иккала гуруҳдаги беморларда турли аъзолар ҳамда организм тизими томонидан асоратлар аниқланди. Ўткир пневмония ҳар иккала гуруҳдаги шахсларда 54,6% ҳолатда аниқланди. Бироқ касалликнинг оғир шакли бўлган бемор болаларда ўпкаларнинг шикастланиши таққослаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирилганда 9,2 марта кўпроқ учради. Ўткир оғир пневмония тана ҳароратининг кучли ошиши (100,0%), кўкрак қафаси соҳасидаги оғриқлар (100,0%), нафас сиқиши (100,0%) билан характерланди ва ўткир нафас етишмовчилиги (100,0%) билан бирга кечди. Ўткир стенозловчи ларинготрахеит таққослаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирилганда ОЎРИ бўлган болалар гуруҳида тахминан 2 марта кўпроқ ташхисланди ($p<0,5$). Инфекцион-токсик шок касалликнинг оғир шакли бўлган беморларда $23,1\pm 3,9\%$ ҳолатда ривожланди, ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида эса ушбу асорат аниқланмади ($p<0,001$). Томир тизимининг диссимирланган томир ичи ивиши (ДТИИ) синдроми кўринишида шикастланиши фақат ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида $6,0\pm 2,2\%$ ҳолатда юз берди ($p<0,5$). Юрак-қон томир тизими томонидан миокардит кўринишидаги асоратлар ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳидаги 3 нафар ($2,6\pm 1,5\%$) бемордагина қайд этилди ($p>0,5$).



2-расм. ОЎРИ бўлган ва ОЎРИ эмас бемор болаларда асоратлар даржаси

Ҳар иккала гуруҳдаги бемор болаларни текшириш давомида анамнезида тизимли аъзоларида айрим сурункали касалликлар борлиги аниқланди (7-

расм). 9,6% болаларда яқинда – асосий касаллик бошланишидан 1–2 ҳафта олдин бошдан кечирилган ўткир респиратор инфекция (енгил ёки ўртача оғир кўринишдаги) фонда бронхиал обструкция мавжудлиги қайд этилди. Ушбу функционал етишмовчилик ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида таққослаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирилганда 23,5 марта кўпроқ кузатилди ($p < 0,001$). Буйрак тизимининг сурункали касаллиги фақатгина касалликнинг оғир шакли бўлган болаларда бўлди ($p > 0,5$). Касалликнинг оғир кечиши бўлган беморларда сурункали касалликлар ОЎРИ эмас беморлар гуруҳи билан таққосланганда 12,9 марта кўпроқ учради ($p < 0,01$).



3-расм. Болаларда фонли сурункали касалликларнинг мавжудлиги.

Сурункали патологиясиз болалар кўрсаткичларини қуйи нафас йўллари сурункали касалликлари билан оғриган болалар кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда ОЎРИни шаклланиши ҳавф имкониятлари $41,1 \pm 1,06$ марта юқори бўлди, яқинда бошидан ўтказган обструктив бронхиал астма фонда $75,3 \pm 1,04$ марта, буйракларнинг сурункали касалликларида $6,8 \pm 1,24$ марта ва тез-тез касалланувчи болалар гуруҳида $27,4 \pm 0,48$ марта юқори бўлди (95% ДИ).

Катта ёшлиларнинг таққосланилаётган ҳар иккала гуруҳида ҳам инфекцион жараён касалликнинг ўткир кечиши билан характерланди, титраш ҳодисалари бўлмади. Касалликнинг ўткир кечиши бўлган беморларда ва таққослаш гуруҳида касалликнинг биринчи соатлариданоқ организмнинг турли яққоллик даражасидаги умумий интоксикацияси ривожланди (2-жадвалга қаранг).

Тана ҳароратининг кўтарилиши ҳар иккала гуруҳ беморларининг барчасида (100,0%) кузатилган интоксикациянинг характерли белгиси бўлиб ҳисобланди ($p > 0,5$). Фақатгина ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида субфебрил истима бўлди ($p < 0,001$). Касалликнинг оғир кечиши бўлган катта ёшли

беморларда таққослаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирилганда фебрил истима 1,8 марта кўпроқ кузатилди ($p<0,001$). Пиретик истима фақат катта ёшли беморларнинг асосий гуруҳидагина қайд этилди ($p<0,001$). Таққосланилаётган ҳар иккала гуруҳда ҳам гипертермик синдром аниқланмади.

2-жадвал


«ОЎРИ» ва «ОЎРИ эмас» катта ёшли беморларда касалликнинг асосий клиник тавсифи

Симптом	«ОЎРИ» n=85		«ОЎРИ эмас» n=90		P
	Абс.	%	Абс.	%	
Гипертермия- 39°C юқори иситма	85	100,0±0,0	0	0,0±0,0	<0,001
Геморрагик синдром	12	14,1±3,8	0	0,0±0,0	<0,001
Йўтал	85	100±0,0	51	56,7±5,2	<0,001
Кўкрак соҳасидаги оғриқлар	85	100±0,0	0	0,0±0,0	<0,001
Хансираш	85	100±0,0	0	0,0±0,0	<0,001
Цианоз	11	12,9±3,7	0	0,0±0,0	<0,01

Касалликнинг ўткир босқичида ҳар иккала гуруҳда ҳам организмнинг юрак-қон томир тизими томонидан клиник ўзгаришлар кузатилди. ОЎРИ бўлган ва ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида 58,3% ҳолатда тахикардия қайд этилди. Асосий гуруҳда тахикардия ОЎРИ эмас беморлар гуруҳи билан солиштирилганда 3,6 марта кўпроқ учради ($p<0,001$). Касалликнинг оғир кечиши бўлган катта ёшли беморлар гуруҳида артериал босимнинг ошиши таққослаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирилганда 33,8% кўпроқ аниқланди ($p<0,001$). Юрак соҳасидаги оғриқдан шикоятлар ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳига солиштирилганда ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида 4 марта ишончли кўпроқ аниқланди ($p<0,01$). Касалликнинг дастлабки икки кунда беморларда респиратор трактнинг шикастланиш белгилари кузатилди. Фақатгина касалликнинг оғир кечиши бўлган катта ёшли беморлар гуруҳида кўкрак қафаси соҳасидаги оғриқлардан шикоятлар бўлди ($p<0,001$). Кўкрак қафасидаги оғриқлар ва нафас сиқиши касалликнинг ўртача 3–4 суткасида пайдо бўлади. ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида тинч ҳолатда юқорида санаб ўтилган симптомлардан фақат нафас сиқиши кузатилди ($p<0,001$), ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида эса бундай ҳолат қайд этилмади. Касалликнинг оғир кечиши бўлган беморлар гуруҳидагина геморрагик синдром кузатилди. ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида эса ушбу синдром учрамади ($p<0,001$). Ҳар

иккала беморлар гуруҳида ҳам турли аъзолар ва организм тизимлари томонидан асоратлар ривожланди (9-расм).

Ҳар иккала гуруҳ беморларида 61,1% ҳолатда ўткир пневмония ташхисланди. ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида таққослаш гуруҳидаги беморлар билан солиштирилганда 4,2 марта кўпроқ ўткир пневмония ривожланди. Ўткир пневмониянинг клиник симптоматикаси ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида ўртача $3,6 \pm 0,1$ суткада, таққослаш гуруҳида эса – ўртача $4,2 \pm 0,2$ кунда ривожланди. Катта ёшли беморларда ўткир оғир пневмония кучли истима (100,0%), кўкрак қафаси соҳасидаги оғриқлар (100,0%), нафас сиқиши (100,0%) билан характерланди ва ўткир нафас етишмовчилиги (100,0%) билан бирга кечди. Юрак-қон томир тизими томонидан ўткир миокардит кўринишидаги асоратлар фақатгина ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳидаги беморларда ($24,7 \pm 4,7\%$) аниқланди ($p < 0,01$). Касалликнинг оғир шакли бўлган беморларда инфекция-токсик шок $24,7 \pm 4,7\%$ ҳолатда ривожланди, ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида эса ушбу асорат аниқланмади ($p < 0,001$). Томир тизимининг ДТИИ синдроми кўринишида шикастланиши фақат ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида $16,5 \pm 4,0\%$ ҳолатда қайд этилди ($p < 0,5$). ЎРДС ўткир респиратор инфекция кечишининг энг оғир асоратларидан бири сифатида $5,9 \pm 2,6$ нафар беморда аниқланди ва асосий касалликнинг дастлабки симптомлари пайдо бўлгандан кейин $4,2 \pm 4,6$ кун ўтгач ривожланди.




4-расм. ОЎРИ бўлган ва ОЎРИ эмас катта ёшли беморлар гуруҳида асоратлар даражаси.

Тадқиқот давомида ҳар иккала беморлар гуруҳи анамнезида тизимли аъзоларда айрим сурункали касалликлар мавжудлиги аниқланди (5-расм). Катта ёшли беморларнинг 2 гуруҳида 14,3% ҳолатда нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари аниқланди, бироқ касалликнинг оғир кечиши бўлган

беморларда ОЎРИ эмас беморлар гуруҳига нисбатан 5,6 марта кўпроқ кузатилди ($P < 0,01$).

Юракнинг сурункали юрак-қон томир касалликлари 10,3% ҳолатда аниқланди. ХЗССС орасида кўпинча турли ташхисларнинг бирикиши аниқланди. Барча беморларда ХЗСССнинг 2–3 та ташхиси мавжуд. Асосан, юракнинг ишемик касаллиги (57,1%), артериал гипертензия (60,0%), юракнинг турли аритмиялари (40%), атеросклероз (26,7%), сурункали юрак етишмовчилиги (26,7%), миокард инфаркти (20,0%), юрак пороги (6,7%) учради.

Катта ёшлилар орасида ортиқча тана вазни 14,3% ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан оғриган беморлар орасида ортиқча тана вазни ОЎРИ эмас беморлар гуруҳига нисбатан 8,9 марта кўпроқ кузатилди ($p < 0,001$). Ёлғиз частота билан I даражали семизлик иккала гуруҳда ҳам учради ($p \geq 0,05$). Беморларда II даражали семириш фақат таққослаш гуруҳида қайд этилди ($p < 0,01$). III даражали семириш ОЎРИ бўлган беморлар гуруҳида кузатилди ($p < 0,00$). Касалликнинг оғир шакли бўлган катта ёшли беморларнинг 5,9% ида яқинда – асосий касаллик бошланишидан 1–2 ҳафта олдин бошдан кечирилган ўткир респиратор инфекция (енгил ёки ўртача оғир кўринишдаги) фонидида бронхиал обструкция мавжудлиги белгиланди. Бундай касаллар ОЎРИ эмас беморлар гуруҳида учрамади ($P > 0,5$). Касалликка чалинган ҳомиладор аёлларнинг 50,9% ида грипп лаборатор аниқланди. Уларнинг барчасида гриппнинг А типи тасдиқланди (А/Н1N1pdm09 – $42,1 \pm 7,5\%$ ва А/Н3N2 – $8,8 \pm 3,81\%$).



